



YOSHLAR OVOZI

ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда олий таълимни янги босқичга кўтаришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Замонавий таълим стандартлари, талабаларга қабул қилишнинг шаффоф тизими жорий этилди. 2018 йилда умумий қабул квоталари ўтган йилга нисбатан 30 фоиз ошди.

Президент қарорлари билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда олий таълим муассасаларини ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича дастурлар профессор-ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Жорий йилда мамлакатимизда жами 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, Самарқандда “Ипак йўли” туризм халқаро университети, Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали, Тошкент шаҳрида Жаңубий Корейнинг Пучон университети фаолият бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 сентябрдаги фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилди.

Ушбу жамғарма чет элларда фаолият кўрсатаётган салоҳиятли ватандош олимлар, мутахассислар ва экспертларни Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларга фаол жалб этишга, шунингдек, икtidорли ёшларнинг ривожланган мамлакатларда таълим олиши, етакчи халқаро институтлар ва хорижий ташкилотларда малака оширишига қўмаклашди.

Жорий йилда ilk бор халқаро тажрибalar асосида олий таълим муассасаларининг миллий рейтингни яратилди, таълим ва илмий-тадқиқот жараёнлари таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил соҳада қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Хусусан, олий таълим муассасалари қабул квотаси камрови умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига нисбатан 7-9 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Россияда 74, Корея Республикасида 96 фоиздир.

Йиғилишда олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги қайд этилди. Таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРИШГА ТАЙЁР!

Тўрт кундан буён Тошкентда давом этаётган “INNOWEEK” ҳафталиги

ўзининг қизгин палласига етди



3-саҳифага қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини баъжаришида мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕХНАТ ШУХРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Турсунов Бахтиёр Зияевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали етакчи жарроҳи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Мазурова Елена Юрьевна — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Мухамедов Уткирбек Хазраткулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН


Арзуманов Армен Аркадьевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси махсус отряди бош мутахассиси

Юсупжонов Муроджон Юсупжонович — Наманган вилояти Наманган шаҳар ҳарбий-лаштеририлган ёнгин хавфсизлиги қисми қатта ёнгин ўчирувчиси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Атамов Бегимжон Исонбоевич (марҳум) — Тошкент шаҳар Юнусobod тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлими сафдор ходими

(Давоми 2-саҳифада)



ФАҚАТ РОБОТЛАР ЭМАС

Исталган мамлакат учун инсон капитали ўта қимматли ресурс саналади. Айниқса, у ёшлар қиёфасида намоён бўлса. Бу борада ўзимизни бемалол омади чопган мамлакат, деб атасак бўлади.

Юртимизда ёш авлод илмий салоҳиятини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Буни “INNOWEEK” ҳафталиги доирасида ташкил этилган Робототехника бўйича халқаро чемпионат ҳам исботлади. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган қизгин беллашулда Ўзбекистондан ташқари қўшни республикалардан таклиф қилинган жами 70 нафардан зиёд йигит киз билим ва маҳоратини намойиш қилди.

— Мусобақада 9-16 ҳамда 25 ёшгача бўлган робототехниклар иштирок этишти, — дейди Инновацияларни жорий қилиш илмий-амалий маркази директори ўринбосари Акбархон Собирхонов. — Улар “Lego sumo”, “Arduino sumo”, “Lego short track” ва маҳаллий конструктор йиғиш йўналишларида баҳс олиб бормоқда.

Туриш политехника университетининг Тошкент шаҳридаги филиали қошидаги робототехника курсида таҳсил олаётган Сулаймон Абдусаматов келажақда моҳир конструктор бўлишни ният қилган. Чемпионат баҳонасида унинг орузи янада юксалди.

— Қўллаб-дўстлар орттирдим, — дейди ёш новатор. — Улар билан фикр алмашиш асосида робототехникага қизиқишим кучайди.

“Arduino sumo” йўналишида “Epsione” (Қозғоғистон) ҳамда “Polito school” (Ўзбекистон) жамоалари биринчи ўринни эгаллади. Қолган ғолиблар бутун аниқланди. Эслатиб ўтиш керак, Инновацион ғо-



Муаллиф олган сурат

лар ҳафталиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Қозғоғистоннинг Таълим ва спорт робототехника федерацияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Унга кўра, томонлар ҳамкорликда илмий-амалий анжуман, семинар ҳамда давра суҳбатларини ўтказиб, соҳага оид миллий қонунийлик нормаларини такомиллаштириш устида ишлайди.

Шерзод МАХМУДОВ

УМРБЕКНИНГ УМИДИ СЎНМАДИ



Инсон хато қилади, адашади, тўғри йўлдан тойиши мумкин. Бироқ айби борни жазолаш доимо ижобий натижа бермайди. Баъзан унинг келажагига ишонч билдириш кўпроқ самара бериши мумкин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кингир йўлга қирган яна бир наврастага ёрдам қўлини чўзди.

Жинойат ишлари бўйича Қогон шаҳар суди томонидан ўтказилган очик суд мажлисида

Умрбек Эгамбердиевнинг иши кўриб чиқилди. Бу йигит синглисининг тўйида ҳолавачаси Рамазон Шодмонов билан жанжаллашиб, унга оғир тан жароҳати етказган. Судланувчига 5 йилгача муддатта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши керак эди.

Ёшлар иттифоқи вакиллари судга У.Эгамбердиевни кафиликка олишини маълум қилиб, қафолат хатини тақдим этди. Умрбекнинг муқаддам судланмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги инobatта олинган ҳолда унга 3,5 йилга озодликдан чекланиш жазосини белгилади.

— Ёшлар иттифоқи менга юксак ишонч билдирганидан мамнунман, — дейди тенгдошимиз суд залини тарк этар экан. — Мендек адашганларни суяб, оғир кунда ёлғиз қолдирмаган ташкилотнинг борлиги бахт! Шукрки, айбон енгиллаштирилди. Уй қамоғида бўлсам-да, муҳими, ота-онам бағридан узилмаман. Қилмишимдан ҳулоса чиқариб, тўғри, ҳалол бўлишга аҳд қилдим.

Лайло ХАЙИТОВА



ҲЕЧ КИМ
ҲАСТА БЎЛМАСИН!

2



САЛОМЛАШИНГ
ОДОБ БИЛАН

4

ITTIFOQ KAFILIGI OSTIDA

ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ректор ва проректорларни тайинлашда профессор-ўқитувчиларнинг фикри ўрганилмаётгани оқибатида янги тайинланган раҳбарнинг жамоа билан ишлаш самардорлиги етарлича бўлмаётган.

Илм-фанни ривожлантириш, тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш, илмий фаолият натижаларини ошириш, иктидорли талабалар илмий изланишлар олиб бориши учун зарур шароитлар яратилмаган.

Таълим жараёнига инновацион методикаларни жорий этиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқариш билан ҳаммаҳаллини таъминлаш ва энг асосийси, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари умуман кўриқсиз ахволда.

Олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш, уларни аттестациядан ўтказиб, аккредитациялаш, ҳужжатларни нострификация қилиш тартиблари бутунги кун талабларига мувофиқ бўлмади.

— Иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир. Меҳнат бозоридagi таркибий ўзгаришларга жавоб берадиган, ёшларимизга касб-хунар ўргатадиган, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирадиган тизим йўқ десак, бу ҳам аччиқ ҳақиқат, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис соҳадаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Талабалар қабулининг соддалашган тизимини жорий

этиш орқали қабул жараёнини квота тизимидан давлат буюртмаси ва табақалашган тўлов-контракт тизимига ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, педагог кадрларнинг илмий-педагогик фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида марказлашган молиялаштиришдан ўз-ўзини молиялаштириш ва иқтисодий мустақил тизимга ўтиш вазифаси қўйилди.

Ректорлар ва проректорларни тайинлашда соддалаштириш, профессор-ўқитувчилар фаолиятини доимий баҳолаш, манзилли рағбатлантириш, масъулият ва жавобгарлигини ошириш тизимини яратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ректорлар кенгаши фаолиятини ҳам тубдан такомиллаштириш вақти келгани таъкидланди. Ректорлар малакасини баҳолаш, бунда уларнинг маънавий-маърифий ва илмий салоҳиятига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари таълимдаги энг асосий вазифа талабалар билимини баҳолаш, ўқув дастурлари ҳамда мавжуд таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришдан иборат эканини таъкидлади.

Хорижда таҳсил олаётган ёшларнинг Ватанимизга қайтиб келишига шароит яратиш мақсадида хорижий олий таълим муассасалари дипломларини тан олиш ва нострификация қилиш тартибини янада соддалаштириш, олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Ингилишда Ўзбекистон — Россия таълим форуми натижаларига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, ушбу форум якунида россиялик ҳамкорлар билан таълим ва илмий фаолиятта оид 114 та шартнома ва битимлар имзоланган. Жумладан, Ўзбекистонда Россиянинг 6 та нуфузли олий таълим муассасаси филиали ва 2 та факультет очилди, 52 та кўшма таълим дастури жорий этилиши назарда тутилган. Ҳар бир келишув бўйича "йўл харита"лари ишлаб чиқилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур "йўл харита"ларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Ҳар бир филиал, факультет ва кўшма дастурлар бўйича тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни сифатли ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалий ижросини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ташкил этилаётган ушбу факультетларни филиалга айлантириш чораларини кўриш истиқболдаги вазифалардир.

Ингилишда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, олий таълим тизимига илмий-технологик ишланмалар ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз келаси йил Россияда ўтадиган навбатдаги форумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида ҳозирдан аниқ режалар белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ғаниев Акмалжон Раҳматиллаевич — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув бошқармаси тезкор вакили

Мухитдинов Дилмурод Сағдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Отамбетов Махмуд Бегдуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош тумани харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлими командири

Расулов Илхомжон Абдусаматович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони отряд командири

Рустамов Умаркул Мирзабекович — Тошкент шаҳар Миробод тумани харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми командири

Сафаров Алиқул Хушбоқович (марҳум) — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Эшмуратов Илхом Лапасович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят кидирув бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Гришко Алексей Алексеевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси кинология хизмати бошлиғи

Каххоров Илхомжон Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш кўшиқлари харбий қисми гуруҳ командири **Султанов Бахриддин Муродович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи

Ташматов Улуғбек Халматович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи **Холмирзаев Аъзамжон Ахатович** — Фарғона вилояти

Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори **Ҳўжаниёзов Рашид Шомуродович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси харбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми бўлими командири

Чориев Рустам Алламуротович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони отряд командири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Исмоилов Русланбек Хайдарбаевич — Хоразм вилояти Урганч шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ички ишлар бўлими бошлиғи

Мамасаликов Шуқуралла Расулжонович — Андижон вилояти Андижон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Нишанбаев Баҳром Набиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ислам Қаримов номидаги аэропортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими жиноят кидирув бўлими бошлиғи

Сойилов Ҳасанжон Ғаниевич — Бухоро вилояти Гиждувон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Сотволдиев Илёсжон Хамитжонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси кўриқлаш бошқармаси отряд командири

Усмонов Абдусодиқ Абдирайимович — Навоий вилояти Хатирчи тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 октябрь

Уилбур РОСС: АҚШ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ Қўллаб-қувватлашга тайёр

АҚШ савдо вазири Уилбур Росс Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик стратегик шериклик характерига эга. Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий муносабатлари юқори суръатда ривожланмоқда. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил май ойида АҚШга расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари эришган келишувлар бунда муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу ташриф мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорлигини янги истиқболлар очди. Хусусан, Тошкентда илк бор Марказий Осиё савдо форуми ўтказилди.


Президент Шавкат Мирзиёев билан музокараларда Ўзбекистонда олиб борилаётган жадал ислохотлар, уларни тўлиқ рўёбга чикариш борасида ҳамкор-

лик, геология-кидирув ишларини олиб бориш, шунингдек, ташқи сўғатнинг устувор йўналишлари ва икки мамлакат қарашларидаги бошқа муштарак жиҳатлар ҳақида суҳбатлашдик.

Қайд этишни истардимки, АҚШ Президенти Дональд Трамп Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни хар томонлама қўллаб-қувватлайди. Жумладан, АҚШ мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши жараёнида кўмак беришга тайёр. Қолаверса, 2019 йилда Ўзбекистонга АҚШ Савдо вазирлигининг савдо миссиясини жўнатилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон нафақат тадбиркорлик учун, балки сайёҳликни йўлга қўйиш борасида ҳам улкан имкониятларга эга экан. Ўйлайманки, бу каби соҳалардаги ҳамкорлигимиз ҳам янада мустаҳкамланади.

ЎЗА мухбири
Улуғбек ШОНАЗАРОВ ёзиб олди.



TASHABBUS ҲЕЧ КИМ ХАСТА БЎЛМАСИН!

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

Пойтахтимизда Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази ҳамда "Билимдон" нодавлат таълим муассасаси ҳамкорлигида "Дунё — қуёш болалари нигоҳида!" номли маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Республика скрининг маркази ҳамда Американинг "Даун синдроми" миллий жамияти вакиллари иштирок этди. Даун касаллигига чалинган болалар билан ишлаш бўйича маҳорат дарслари ўтилди. Бу бўйича АҚШ тажрибаси ўрганилди.

— Даун синдроми билан туғилган инсонлар бошқаларга нисбатан ақлий ва жисмоний ривожланишда орда қолади, — дейди дефектолог Муҳайё Саидова. — Касалликни даволаб бўлмайди, аммо зарур муолажалар орқали боланинг жамиятга қўшилишига ёрдам бериш мумкин.




— Ўғлим — Даун, — дейди Зухра Ҳакимова. — Аввалига ташвишга тушдим. Лекин йиллар ўтиб, ҳам-гуссаларим арди. Ҳамиджон ҳозир 16 ёшда. Тошкент шаҳридаги 25-ихтисослаштирилган

умумтаълим мактабида таҳсил олади. Ўқидан ташқари мусика билан шуғулланади. Пинанино чалиш жону дили. Тадбирда касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари ҳамда профилактикаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

INNOWEEK

БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗГАРИШГА ТАЙЁР!



Наргиза УМАРОВА

Тўрт кундан буён Тошкентда давом этаётган “INNOWEEK” ҳафталиги ўзининг кизгин палласига етди. Президентимиз ташаббуси асосида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мутлақо янги мазмунда ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа инновациялар яратиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланувчи нуфузли тузилмалар, илмий марказлар, халқаро эксперт доиралар, шунингдек, молиявий ташкилотлар ва йирик сармоядор компаниялар вакиллари бир жойга жамлашга хизмат қилди.

Инновацион ғоялар ҳафталиги контингенти бежиз айнан шу таркибда шакллантирилгани йўқ. Биз қаторасига кўп йиллар давомида мамлакат илм-фани ютуқларининг фақат намоёни билан шуғулланиб келаётгандик. Илмий янгиларни тижоратлаштириш, яъни тайёр мах-

БИЗ Кўп йиллар давомида мамлакат илм-фани ютуқларининг фақат намоёни билан шуғулланиб келаётгандик



чи куни яқунларига кўра, Англия, Италия, Исроил, Россия, Хитой, козогистонлик ҳамкорлар, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатаётган бир қатор хорижий компаниялар билан энергетика, жумладан, муқобил энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш, давлат бошқарувида ахборот технологияларини татбиқ этиш, соғлиқни сақлаш, робототехника каби йўналишлар бўйича жами тўққизта англашув меморандуми имзоланди. Ҳафта охиригача уларнинг сони 21 тага етказилиши ку-

технопаркинни очиб имкониятларининг муҳокама қилингани ҳам биз учун алоҳида аҳамиятли ҳодисадир. Зеро, бундай ташаббус келгусида икки давлат олимларига истикболли илмий тадқиқотларни биргаликда олиб бориш, инновацион ёндашувлар юзасидан ўзаро тажриба алмашиш имконини беради. Тан олиш кераки, дунёнинг инновацион марказларидан бирига айланиб улгурган Хитойдек қудратли мамлакатдан ўрганадиган ва ўрнат оладиган жиҳатларимиз оз эмас.

Инновацион ярмарка билан па-

ХАЛҚАРО ИННОВАЦИОН-САРМОЯВИЙ ФОРУМГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН ЭРТАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ХУСУСИДА ЎЗ ФИКРЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИ

га оширилган саъй-ҳаракатлардаги ютуқ, ҳато ва камчиликларимиз нималардан иборат? каби ўта муҳим саволларга жавоб берилмоқда. Сولда қилиб тушунтиришда, айни чоғда ўзимизга ўзимиз эмас, балки четдан — халқаро экспертлар кўзи билан ҳолисона баҳо бериш учун жуда яхши имконият яратилган. Иқтисодиёт-



Марко БАРЕЗИ,
“TurboDev S.p.A.”
компанияси раҳбари
(Италия):



**ИННОВАЦИЯ ҲАҚИДА
ГАПИРИШ ОСОН, АММО
ИННОВАЦИЯНИ ЯРАТИШ
НИҲОЯТДА МАШАҚҚАТЛИ ИШ.**

Бу борада давлат бош ислохотчи, ўзи хос локоматив заифасини бажармоғи даркор. Акс ҳолда, куйида амалга оширилатган саъй-ҳаракатлар сезиларли натижа бермайди. Ўзбекистон инновацион ривожланиш платформасига ўтгани ва мазкур масалада барча қарорлар ҳукумат даражасида қабул қилинаётгани жуда тўғри йўл. У инновацион келажакка тезроқ етиб боришига ёрдам беради. Яна бир муҳим нарсани унутмаслик керак: инновацион фаолиятга фақат айрим соҳа ёки тармоқлар эмас, балки барча фуқаролар бирдай жалб қилиниши лозим. Шунда жамият аъзоларида муайян маданият, инновацион фикрлаш тарзи шакллана бошлайди.



Иброҳим АБДУРАҲМОҲОВ,
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири:



ҲАР ҚАНДАЙ ИХТИРО ЁКИ КАШФИЁТ ҲАЛИ ИННОВАЦИЯ ДЕГАНИ ЭМАС. ИЛМИЙ ЯНГИЛИК МУАЙЯН МАБЛАҒ ҲИСОБИГА ТИЖОРАТ МАҲСУЛОТИ КЎРИНИШИГА КЕЛГАНДА КЕЙИНГИНА ИННОВАЦИЯГА АЙЛанаДИ.

Мухтарам Президентимиз шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жорий йилнинг 14 июлида “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самардорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни қабул қилгани юртимиз илм-фани учун чунонам тарихий воқеа бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, Ўзбекистонлик олимларнинг ишланмаларини молиялаштириш мақсадида 19 та маҳаллий инвестицион компания тузилди. Ихтироларни тижоратлаштириш жараёни эндиликда илмий муассаса, банк ва тадбиркор училиги асосида олиб борилмоқда.

Вазирлигимиз томонидан Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Хоразм Маъруф академиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга 20,6 миллион ва яна 67 та олий таълим муассасаси эҳтиёжлари учун 14,7 миллион, қолаверса, илмий ҳамда педагог кадрларнинг хорижда малакасини ошириш мақсадида салкам 47,5 минг АҚШ доллари миқдорига сармоя йўналтирилди.

Биз ҳар бир вилоятда саккизтадан инновацион марказни ишга туширдик. Вазирлик қошидаги Илгор технологиялар марказида минг нафар талаба учун иш столи яратиб берилган. Бу ерда улар бемалол илмий ишланмаларини такомилга етказиб, стартап лойиҳаси даражасига олиб чиқиши мумкин.



Мишель АСИЯТ,
“Systematic inventive thinking” компаниясининг
истикболли йўналишлар ва инновациялар
бўйича департаменти бошлиғи (Исроил):



**АСЛИДА ЙЎҚЧИЛИК ИНСОННИ ИННОВАЦИОН
ФИКРЛАШГА МАЖБУР ҚИЛАДИ.**

Масалан, Исроил худудининг ярмидан кўпи чўл зонасига тўғри келади. Бизда чучук сув ниҳоятда тақчил. Лекин айнан мана шу “кашшоқлик” олимларимизга табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича инновацион ечимлар топишга туртки берган.



**ТЎҒРИ, ҲАР ҚАЙСИ МАМЛАКАТНИНГ ШАРОИТ ВА
ИМКОНИАТЛАРИ ҲАР ХИЛ. МУҲИМИ, АҲОЛИНИ
ИННОВАЦИОН, ЯЪНИ НОСТАНДАРТ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ
ЗАРУР. БУНДА ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.**



**ЮРТИМИЗДА БИРИНЧИ
БОР ИННОВАЦИЯЛАР
ЛАБОРАТОРИЯСИ
ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ**

сулоат ёки хизмат кўринишида ҳаридору истеъмолчига тақдим этиш механизми, кўйинги, мазкур жараёни муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи биронта ҳам қонун ҳужжати бўлмагани боис, аксарият ишланмалар инновация даражасига етолмай, қозғалган қилиб кетгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Бу жиддий ҳатони тўзатмай туриб тараққиёт йўлидан илдамлай олмаслигимиз аниқ эди.

— “INNOWEEK” доирасида ўз ишнини бошлаган Халқаро инновацион ярмаркага олим тадқиқотчилар билан бир қаторда потенциал сармоядорларни ҳам тақлиф қилганмиз, — таъкидлади Ўзбекистон

Республикаси Инновацион ривожланиш вазири, академик Иброҳим Абдураҳмонов. — Айни вақтда “Ўзэкспомарказ” павильонида 30 дан зиёд мамлакат номидан иштирок этаётган 52 та халқаро компания ва ташкилот вакиллари юртимиз илмий салоҳияти билан танишяпти. Шу ернинг ўзига ўзаро манфаатли шартнома ва битимлар имзоланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, илм-фани бизнес билан учраштириб, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш учун қулай муҳит яратдик. Бундай амалий саъй-ҳаракат мингта гап-сўздан кўра афзал. Натижаси ҳам ўзини куттириб қўймайди, деган умиддаман.

Дарвоқе, ҳафталиқнинг бирин-

тилоқда. Бундан ташқари, имзоланмак ҳужжатлар пакетидан еттига келиши ҳам ўрин олган.

Энди рақамлардан реал мисолларга ўтасак. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарлари имзоланган англашув меморандумига кўра, юртимизда биринчи бор инновациялар лабораторияси ташкил қилинди. Лойиҳа мамлакатни ривожлантириш ишига барча даражадаги давлат тузилмалари, бизнес доиралар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг бошқа субъектларини жалб қилиш, муҳим масалалар муҳокамасида уларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган. Мазкур платформа орқали давлат бошқарувига доир стратегик ечимлар ўрганилади, синодан ўтказилади ҳамда амалиётга жорий этилади. БМТДнинг юртимиздаги доимий вакили Хелена Фрейзер хоним қайд этганидек, инновацион келажакни барпо этиш фақат алоҳида ташкилот ёки идоралар зиммасидаги вазифа эмас. Ушбу жараёнга аҳолининг барча қатламлари бирдек тортилиши керак. Шундагина кўзланган маррага тез ва ишончли тарзда етишса бўлади.

“INNOWEEK” доирасида Лондон шаҳрида Ўзбекистон – Хитой



раллел равишда пойтахтимизда Халқаро инновацион-сармоявий форум ҳам бўлиб ўтмоқда. Ушбу тадбир, аниқроғи, унда иштирок этаётган экспертлар гуруҳини Инновацион ғоялар ҳафталигининг ўқ илдири, деб атасак сира муболага бўлмайди. Чунки форум майдонида “Ўзбекистоннинг инновацион эртаси қандай бўлади?”, “Ўзи танлаган йўлимиз тўғрими?”, “Қайси траектория бўйича ҳаракатланганимиз маъқулроқ?”, “Шу чоккача амал-

нинг реал сектори, кишлоқ хўжалиги, давлат бошқаруви, банк-молия ва ижтимоий соҳалардаги инновациялар борасидаги жонли мунозаралар, ҳар қайси йўналиш бўйича жаҳондаги етакчи мутахассисларнинг маъруза, тақдирот ва тренинглари кўзатиб инновациялар дунёси нақадар ранг-баранг, мураккаб ва антика эканига амин бўласан, киши. Замонавий инсон ҳаётининг бу қисми аллақачон бутун бошли илмга айлангани ҳам айни ҳақиқат.


P.S.: “Ақли уйлар”дан тортиб, қишлоқ хўжалиги ва муҳофаза тармоғи учун қўл келувчи баҳайбат дролар, кўши энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи электробус, божхона постларида юк машиналарини шу туришида сканерлаб берадиган махсус ускуна, аллергия касаллик кўзгатувчиларини бехато аниқлаш имконини берувчи ДНК чипларию саноқли соатларда исталган буюмни чоп этиш салоҳиятига эга 3D принтергача — юзлаб ишланмаларнинг антиқа шоииса айланган Халқаро инновацион-сармоявий форум бузун ўз ниҳоясига етди. Бироқ ўтган кунлар мобайнида қўрилган, эшитилган ва муҳими ҳис қилинган нарсалар, орттирилган билим ва тажриба биз, ўзбекистонликлар билан бирга қилиши ҳамда порлоқ келажакимиз учун хизмат қилиши аниқ. Инчунин, бузунги Ўзбекистон ўзгаришга тайёр!

SIZ NIMA DEYSIZ?

Hasan USMONOV

Ikki odam uchrashdimi, avvalo, bir-biriga salom beradi. Odobning boshi salom, deganlari bejiz emas.

Ammo negadir bugungi yoshlar mana shu go'zal qadriyatimiz haqida biroz unutib qo'ygandek tuyuladi.

SALOMLASHING
ODOB BILAN

Maktabdagi matematika o'qituvchimiz bolalarga o'zi birinchi bo'lib salom berardi. Bundan hijolat bo'lar-dik. Lekin shu xislati uchun ustozni hurmat qilganimiz ham rost.

Azaldan ota-bobolarimiz qo'lini ko'ksiga qo'yib yoki qo'l berib, yaxshi taniyadigan odam bilan uchrashganda esa, yelka tutib "Assalomu alaykum va rahmatullohi va barakotuh!" deb so'rashgan. Hatto milliy adabiyotimiz, aytaylik, Abdulla Qodiriyning "O'tgan kunlar", Oybekning "Alisherning yoshligi" asarlarida bunday holatlar ko'p bora tasvirlanadi.

Bugun salomlashish odobi bilan bog'liq ko'p asrlar an'analimiz shakllan o'zgarayotgani, o'zgariganda ham o'zbekligimizga nomunosib tus olayot-

gani kishi dilini xira qiladi. Ko'cha-ko'y, jamoat joylari, umuman, har qadamda bunga guvoh bo'lyapmiz.

Bosh, qo'yingki, oyoq, bilak, tirsak, musht, bel va tananing boshqa qismlarini urishtirib ko'rishish, ayniqsa, tengdoshlarimiz orasida urfga aylandi. "Privet", "xay", "sava", "hello" kabi so'zlarni ham hech imyanmay qo'llaydigan bo'lib qoldik. Axir, bu ketishda millat emas, beodob to'daga aylanishimiz tayin-ku.

To'g'ri, shiddat bilan o'zgarayotgan dunyodan uzilmoymiz. Biroq zamonaviy bo'laman, deb ajdodlaring ne mashaqqat bilan asrab, ardoqlab kelgan qadriyatlarga bepisand munosabatda bo'lish ham adolatdan emas. Siz nima deysiz, tengdoshim?

DILDAGI GAPLAR

Nasiba ABDULLAYEVA

Oson tutmang
kenjatoylarga

— O'g'illarim, o'lsam go'rimni uch kun poylaysizlarmi? — so'radi bemor ota uch o'g'ildan. To'ng'ich va o'rancha bundan bosh tortdi. Axir, tungi qabristonday vahimiy joy bormi? — Otajon, uch kun ekan-ku, yuz kun desangiz ham poylayman, — deya dadil gapirdi kenjatoy.

Bu bir ertak. Kenja farzandlar nafaqat ertakda, balki hayotda ham botir, shijoatli bo'ladi. Chunki ular ota-onasi hayot achchiq-chuchugini tatib, aqli to'lganda tug'iladi-da. Odatda kenjalarga ko'proq mehr-e'tibor qaratiladi. Ularning inijligi, va sho'xliklarga barcha chidaydi, aytganlari bajo keltiriladi. Yaqinlarining mehridan to'yingan bu erkatoylar aka-opalaridan ko'ra ko'proq "imtiyoz"ga ega bo'ladi. Ular uy quray, ro'zg'or anjomlari sotib olay demaydi.

Lekin... Hamma gap ana shu lekinda. Ota-ona qariganda parvarishlash, izzatini joyiga qo'yish, ularning ham inijligi erkakliklariga bardosh berish ko'pincha kenja o'g'il-qizlar chekiga tushadi.

— Oyim rahmatli salkam o'n yil qand kasali bilan kurashdi. U kishini so'nggi yo'lga kuzatgach, dadam yotib qoldi. Mana, to'rt yildan beri birimiz qo'yib, birimiz qaraymiz. Aka-opalarim dam olish kunlari, bayram-hayitlarda bola-baqrasini bilan keladi. Hammayoq ivirib, yuvuqsiz idish tovoqlarga to'lib ketadi. Kamiga opalarim: "Falon joy to'zigan, piston joy isqirt, qaralaring bo'lmaydimi?!" — deb javraydi.

Xotimim tushgacha maktabda dars beradi, keyin otamga qaraydi, qanday ulgurin hammasiga?! Dadamning dardi huruj qilganida tong otargacha yonida o'tirib chiqamiz. "Ota-onamizning shuncha hovli-joyiga ega bo'lding", — deb akalarim gap qistirib qo'yadi. Jigarlarni rozi qilish qiyin. Ular kelsa: "Ishqilib dillari og'rib qolmasin, norozi bo'lib ketmasin", — deb shisha sinig'i ustida yurgandek bo'lamiz. Ota uyida umr kechirish ham oson emas. Ba'zan hammasiga qo'l siltab bola-chaqamni olib chiqib ketgim keladi. Lekin otamni hech bir jigaringa ishonmayman. U kishi meni yelkasida ko'tarib katta qilgan, axir!

Shahrimizning "Mezovor" mahallasida yashovchi Xayridin akaning yuqoridagi gaplarini eshitib, u kishiga sabr-qanoat tiladim. Beixtiyor dilimdan shunday so'zlar o'tdi:

— Aziz kenjatoylar! Sizlarga goho havas qilamiz, gohida hasad. Ne bo'lganda ham, aqlingiz, shijoatingiz ezgu amallarga xizmat qilsin. Mehribonlaringizga suyanchiq umrining oxirigacha hamdam bo'lish zim-mangizda ekan, dunyoda ota-ona duosidek qudratli kuch yo'qligini yana bir kerra eslatib, muqaddimada keltirilgan ertakni yakunlab qo'yishni istardim: "Otasi vasiyatini bajarib, uning go'ri uch kun poylagan kenjatoy o'g'il saodatga erishibdi. Dovyurakligi, tadbirkorligi tufayli yurtga sulton bo'libdi. Qo'rqoq va noshudligidan abgor ahvolga tushgan akalarini ham boy-badavlat bo'lib ketishiga yordam beribdi.

Ota-ona duosini olib, baxtu saodatga erishish barchamizga nasib etsin.

BILASIZMI?

Umumiy ovqatlanish joylari — restoran, kafe, bufet va boshqalar iste'molchilarga o'zining to'liq nomi, ish vaqtidan tashqari quyidagi ma'lumotlarni ham ko'rgazmali va qulay shaklda taqdim etishi shart:



- ✓ mahsulot yoki xizmatlar ro'yxati va ularni ko'rsatish shartlari;
- ✓ mahsulot yoki xizmatlar narxi hamda to'lov shartlari;
- ✓ tayyor taomlar porsiyalarining hajmi;
- ✓ ichimlik idishining sig'imi va porsiyalarining hajmi.

(Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali).

HIKMAT

O'z tilini nazorat qila olmaydigan kishiga ishonch yo'q.

Mahatma GANDI

MUTAXASSIS OGOH ETADI

VAQTIDA O'CHIRISHNI UNUTMANG!

N.HIMMATOV,
kichik inspektor

korxonalar uchun, ayniqsa, xavfli.

Shahar muhitida yong'in kucha-yishiga odatda binolarning zich joylashishi, ularda tez alanganuvchi narsa-buyumlarning ko'pligi, suv ta'minoti tizimi va transport yo'llaridagi nosozlik, noqulay ob-havo sharoiti sabab bo'ladi.

Shuni yodda tutish kerakki, zilzila vaqtida yong'in keltirib chiqarish xavfi bo'lgan jihozlarni darhol o'chirib qo'yish zarur. Bunday ehtiyot chorasi yong'in keltiradigan zararni sezilarli ravishda kamaytirishga xizmat qiladi.

Yurtimizda yer qimirlash holatlari uchrab turadi. Bu paytda binolarda yong'in chiqish xavfi ortishi tabiiy. Natijada elektr isitish asboblari shikastlanib, ishdan chiqishi, ag'darilib ketishi, gaz quvurlari yorilishi yoki deformatsiyalanishi mumkin. Qisqa tutashuvlar tufayli yuzaga keladigan uchqunlar neft-gaz, kimyo, oziq-ovqat va yengil sanoat, shuningdek, paxta tozalash

OLY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI HUZURIDAGI
"MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT" MARKAZI QUYIDAGI LAVOZIMLAR
BO'YICHA BO'SH ISH O'RINLARIGA
MALAKALI MUTAXASSISLARNI ISHGA TAKLIF QILADI:

veb-dizayner

dasturlovchi

operator

videomontajchi

ovoz operatori

tarjimon

jurnalist

NOMZODLARGA QO'YILADIGAN TALABLAR:

— oliy ma'lumot;

— davlat tilini yaxshi bilish (rus yoki boshqa tillarni bilish ustunlik beradi).

Nomzotlardan hujjatlar o'ton berilgan kundan boshlab 10 kun davomida qabul qilinadi.

Murojaat uchun manzil: Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko'chasi, 70-uy.
Telefon: (+99871) 246-95-43; (+99871) 246-95-84.

"TRADE CONSULT SERVICE"

mas'uliyati cheklangan jamiyati

2018-yil 26-noyabr kuni soat 15:00 da boshlang'ich bahosi bosqichma-bosqich oshib borish tartibida o'tkaziladigan ochiq auksion savdosiga taklif etadi!

"Bo'stonliq agroservis mashina-traktor parki" MCHJ balansida bo'lgan quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1986-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 11AF952 bo'lgan "ZIL130 KS256". Boshlang'ich bahosi — 8 312 000 so'm.
- 1985-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 11AF961 bo'lgan "GAZ 53A". Boshlang'ich bahosi — 8 126 000 so'm.
- 1986-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 11AF951 bo'lgan "KAMAZ 5320". Boshlang'ich bahosi — 9 243 000 so'm.
- 1990-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 11AF987 bo'lgan "GAZ 52-01". Boshlang'ich bahosi — 7 425 000 so'm.
- 1988-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 11AF651 bo'lgan "Avtomashina GAZ 5204". Boshlang'ich bahosi — 7 391 000 so'm.

Respublika ixtisoslashtirilgan akusherlik va ginekologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi balansida bo'lgan quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/163 KCA bo'lgan "Nexia" avtomobili. Boshlang'ich bahosi — 2 982 000 so'm.
- 1993-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/891 EBA bo'lgan "Damas" avtomobili. Boshlang'ich bahosi — 2 216 000 so'm.
- 1997-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 01/160 KCA bo'lgan "Damas CBA SNG" avtomobili. Boshlang'ich bahosi — 2 291 000 so'm.

Yuqoridagi mulklar 2018-yil 26-noyabr kuni sotilmay qolgan taqdirda takroriy auksion savdolari haftaning har juma kunlari soat 15:00 da o'tkaziladi.

Talabgorlardan arizalarni qabul qilish ish kunlari soat 09:00 dan 18:00 gacha quyida ko'rsatilgan manzilda qabul qilinadi.

Arizalarni qabul qilish auksion savdosi boshlanishidan 1 (bir) ish kuni avval soat 15:00 da to'xtatiladi. Auksion sav-

dosida ishtirok etish uchun talabgorlar "Zakat puli to'g'risidagi kelishuv"ni imzolagandan keyin avtotransport vositasi boshlang'ich bahosining 15 (o'n besh) foizidan kam bo'lmagan miqdorda zakalat pulini "Trade Consult Service" MCHJning ATB "Turonbank", Yashnobod filiali, MFO: 01083, STIR: 304454706, 20208000800701688001 hisob raqamiga o'tkazishi va quyidagi hujjatlarni topshirishi kerak: auksion savdosida qatnashish uchun yuridik

shaxslardan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan to'g'risidagi guvohnoma nusxasi, agar vakolatli shaxs qatnashsa, o'matilgan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma, uning shaxsini tasdiqlaydigan hujjat ilova qilingan holda; jismoniy shaxslardan pasport nusxasi, agar vakolatli shaxs qatnashsa, o'matilgan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma, uning shaxsini tasdiqlaydigan hujjat ilova qilingan holda, zakalat puli to'lagani haqida to'lov qog'ozi.

Qo'shimcha xizmatlar ko'rsatish uchun to'lov olinadi.

Qo'shimcha ma'lumotlarni Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z-2 ko'chasi, 69-uy manzili yoki +998 95 169 55 50 telefon raqami orqali olish mumkin.
Guvohnoma № 011315.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner

Abdullayev Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi

Erkin Abdusattorov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
1 belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Sizning o'zingiz uchun avvalgi raqamga ega bo'lgan auksion raqami.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.Indeks: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.Buyurtma G-1036
Adali — 11583Boshiga topshirish vaqi — 21.00
Topshirildi — 01.05
O'za yakuni — 00.20

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Ochiq savdo bo'limi.

1 2 3 4 8